

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

3 .. май 2018 й. г. № 319

Тошкент ш. – г. Ташкент

Раҳбарлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ходимларни доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига қўшимча киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида” 2016 йил 17 ноябрдаги ПФ-4857-сон Фармониға ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида» 2016 йил 17 ноябрдаги ПҚ-2658-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:


1. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 10-сон, 89-модда) билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига қуйидаги мазмундаги 63-банд қўшилсин:

“63. “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти”.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорға мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.С.Отажонов ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов